

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЧАРМ САНОАТИ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ЭКСПОРТДА КАТТА УЛУШГА ЭГА ТАРМОҚ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни тўқимачилик ва чарм саноатидаги ислохотлар натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу тармоқлар аҳоли бандлиги ва экспортда катта ўринга эга. Хусусан, уларга тегишли корхоналарда 430 минг фуқаро иш билан таъминланган. Енгил саноатнинг жами ишлаб чиқаришдаги улуши 14 фоизни, экспортда 16 фоизни ташкил қилади.

Лекин бугунги мураккаб шароитда ташқи бозордаги вазият тез ўзгаришти. Бунинг таъсирида экспорт нархлари ип-калавда 9 фоизга, газламада 15 фоизга, тайёр маҳсулотда 13 фоизга тушган. Асосий экспорт бозорларимизда тайёр маҳсулот олиш камайган.

Йиғилишда бу вазиятга мослашиб ишлаш, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш чоралари муҳокама қилинди.

Январь-ноябрь ойларида тўқимачилик экспорти 2,6 миллиард долларни ташкил қилди. Соҳадаги имкониятлар ҳисобига буни ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Жаҳон бозорида тола нархи пасайиб бораётган шароитда тола ва ип-калавани чуқур қайта ишлашни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун мато ишлаб чиқариш ва бўяш корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Соҳа масъуллари олдида ип-калавани қайта ишлаш даражасини 70 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, бу йил қўй ва эчки териси экспортдан 10 фоизлик йиғим бекор қилин-

гани натижасида 3 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилган. Ушбу тажрибани келаси йил ҳам давом эттириб, экспортни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Чарм саноати корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш чоралари ва келгусидаги режалар бўйича масъулларнинг ҳисоботи эшитилди.

Чарм саноатида бичувчи, тикувчи, косиб каби ўрта бўғин кадрлари етишмаётгани, бу йўналишда йилга бор-йўғи 167 нафар мутахассис тайёрланаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, пойабзал ишлаб чиқариш ривожланган Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги етакчи корхоналарни техникумларга боғлаб, “дуал таълим”ни йўлга қўйиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда келгуси йилга мўлжалланган режалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, енгил саноат тармоғига 2 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция жалб қилиб, 82 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳамда 25 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 4 миллиард долларга, чарм маҳсулотлари экспортини 250 миллион долларга олиб чиқиш мақсад қилинган.

ЎЗА

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ ЭҲТИЁЖМАНДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой қурилишида аҳоли маблағларини кафолатлаш тизимига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз аҳолиси 37 миллиондан ошди. Шу йилнинг ўзига 215 мингта оила пайдо бўлди. Албатта, буларнинг барчаси уй-жойга талабни қўпайтиради.

Жорий йилда 100 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади. Келгуси йилда 120 минг хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, талаб кўплигидан фойдаланиб, бу соҳада инсофсиз бизнес қилаётганлар ҳам бор. Тўлов тизими тартибга солинмагани, рақамлаштириш ва очиқ-ошкоралик йўқлиги бунга йўл очиб берапти. Янги уйларни олмақчи бўлган одамлар пулини банк орқали эмас, тўғридан-тўғри қурувчига бераётгани учун бу маблағлар “соя”да қоляпти. Кўп ҳолларда уйларни топшириш муддати кечикиб, аҳоли тўлаган пуллар “музлаб” турибди. Улушдорлик шартномалари ҳеч қаерда рўйхатга олинмай, фақат қурувчининг манфаатига хизмат қилляпти.

Шу боис, давлатимиз раҳбари 23 сентябрь куни қурилиш индустрияси бўйича ўтган йиғилишда уй-жой сотиб олишда аҳоли маблағларини кафолатлайдиган тизим яратиш топширигини берган эди.

ЎЗА

Муносабат



ЯХШИ ҚОНУН ХАЛҚҚА ҲУРМАТ ИФОДАСИДИР

Жаҳон сиёсати тарихида қонунлар халқнинг виждонини ифодалаши кераклиги ҳақида кўп ҳикматли фикрлар айтилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг сайловдан кейинги биринчи мажлисларида миллий парламентиимизнинг қонун ижодкорлигини кучайтириш бўйича билдирилган тақлиф-ташаббуслар шундай ҳикматларга монанд бўлди.

Моҳиятига кўра, Олий Мажлис ва халқимизга давлатимиз раҳбарининг навбатдаги мурожаатномаси сифатида қабул қилинган чиқишларда қонун ижодкорлиги борасида миллий тажриба ҳамда дунёдаги илғор тенденцияларга алоҳида эътибор қаратилади.

Умуман, Президентимизнинг тақлифлари парламентиимиз фаолиятининг асосий йўналишларини ифодалаб бермоқда.

Давоми 2-бетда



БУ ЮРТДА ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Азамат ўрта мактабни битиргач, ўзи орзу қилганидек, олийгоҳга ўқишга кирмоқчи эди. Афсуски, шунчаки умид билан иш битмас экан. У чекка қишлоқда туғилиб ўсган. Оилавий шароити унинг ўқишга имкон бермасди. Йигит тақдирга тан берганича қолаверди.

Бекорчиликдан ёмони йўқ. Олийгоҳга ўқишга кирмагач, кунни беҳуда ўтказадиган бўлиб қолди. Бирор жойда ишлаш деса, қишлоқда корхона ёки муассасанинг ўзи йўқ. Изланиб, ҳаракат қилган Азамат ҳам унга ҳақиқатан эришиб бўлмайди. Ҳар бир ишнинг бошини туттиш учун маблағ зарур. Ўзича кредит олиш истагини тумандаги банкларга мурожаат қилиб қўрди. “Эртага

келинг”, “Индин келинг”, “Фалон ҳужжат керак, маълумотнома керак” билан овоза қилишгани қолди, холос. Шу орада ўртоқларидан бири четга ишга кетаётганини айтиб қолди. Буни эшитган Азамат ҳам унга ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Ота-онасидан рухсат сўраб, йўлга тушди.

Давоми 4-бетда

Таълим одимлари “Тўсиқсиз муҳит” ЁХУД БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИАТ

Алоҳида эътибор ва ғамхўрлик талаб этадиган бола билан гаплашсангиз, кўнглингиз озурда бўлиши шубҳасиз. Тақдир синови уни четлаб ўтмагани, имконияти тенгқурлари билан баробар эмаслигидан оғринасиз. Ҳаётнинг ана шу синовлари қаршисида мардона турган бу мурғак қалб анчайин сабр-бардошли, матонатли, руҳан дадил, билим ва ҳунар эгаллашга истаги кучли экани ҳайратингизни оширади. Шунда ички оламнинг — қалб ва руҳнинг саломатлигида гап кўплигини англайсиз.

Давоми 5-бетда

Президент ташрифидан сўнг



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.



“ХУШНУД”НИНГ БУГУНИДАН РОЗИ, ЭРТАСИДАН МАМНУН ОДАМЛАРИ МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

“Одамзоднинг қўли гул. Шароит ва иштиёқ бўлса, уддалаб бўлмайдиган юмушнинг ўзи йўқ”. Ёшлигимизда бирор вазифа қаршисида каловланиб, худди уни бажариш имкони йўқдек туюлган пайтларда момом шу гапни кўп такрорлардим.

Янгиҳаёт туманига кириб борар эканмиз, ҳаёлимга биринчи келган фикр шу бўлди: момом минг қарра ҳақ. Нера ҳақ бўлмасин?! Ахир шу ерларда ишлаб ва яшаётган мени ҳам бу ердаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳайратга соляпти-ку!

Тўғри, бу томонларга охириги марта,

адашмасам, бундан 6 йил олдин келгандим. Бу жойларнинг ўша пайтдаги манзарасини яхши хотирлайман: йўли ўнқир-чўнқир, сув, газ, электр таъминоти абгор, шаҳар бўлиб шаҳар, қишлоқ бўлиб қишлоққа ўхшамас бир жойлар эди. Бугун-чи? Биргина “Хушнуд” маҳалла фуқаролар йиғини худудини

айланиб, олган таассуротим шу бўлди: бугун Янгиҳаётда ўз номига мос янги ҳаёт жўш урмоқда.

“Хушнуд”да хушҳол бўласиз

Президентимиз ўтган ойда пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманига ташрифи асносида Хушнуд маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти, худуддаги ўзгаришлар билан танишган эди. Давлатимиз раҳбари билан учрашувда маҳалла фаоллари ва нурунийлар кейинги йиллар-

да Янгиҳаёт тумани жадал ўзгаргани, янги транспорт йўллари ва корхоналар қурилиб, ҳаёт тубдан ўзгарганидан мамнунигини айтиб, эзгу тилакларини изҳор этди.

Мамлакатимизда муҳим дастурлар айна маҳаллаларда амалга оширилаётгани, тизимга катта вақолат ва имкониятлар берилаётгани худудларни обод қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладигани қайд этилди.

Давоми 3-бетда

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Бунда парламентимиз фаолиятидаги ютуқлар билан бирга эътибордан четда қолган масалалар, фойдаланилмаган имкониятлар, аввало, қонун лойиҳалари сифати бўйича эътирозлар борлиги, тўғридан тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмлари эга қонунлар улуши камлигича қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Албатта, биз — халқ вакиллари қонун лойиҳаларининг илмий асосланганлиги чуккур эътибор қаратишимиз лозим. Бунинг учун Парламент тадқиқотлари институти ҳамда мамлакатимиздаги илмий институтлар, “ақл марказлари” билан ҳамкорликни янада кучайтириш, уларнинг имкониятидан тўлалигича фойдаланиш лозим бўлади.

ҲАЁТГА, ОДАМЛАРГА ЯҚИН

Қонун ижодкорлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечими, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши кераклиги таъкидланди.

Жумладан, эскирган уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “Реновация тўғрисида”ги ҳамда фуқароларнинг уй-жой қурилишига жалб этилган маблағларини кафолат-



нуфузини янада мустаҳкамлаш энг муҳим масалалардан бири. Шу нуқтага назардан, Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилишни бутун даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатларнинг бир-бирига муносабати, халқаро ташкилотларнинг аҳамияти кейинги йилларда анча ўзгармоқда. Ўзбекистон дунёга очилиб, фаол ва ташаббускор сиёсат юритаётган даврда Ташқи сиёсат концепциямиз жаҳондаги чақириқларга тайёр бўлиши муҳим.

Ушбу ҳужжатнинг янги таҳрирда қабул қилиниши юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун самарали ташқи сиёсат юритиш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш,

қий базани такомиллаштириш борасида изчил ишланмоқда.

Жумладан, илк бор яқин ва ўрта муддатга қаратилган истиқболларни белгилаб олиш мақсадида 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тасдиқланиб, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш вазифалари белгилаб олинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда мазкур институтга алоҳида боб ажратилиб, конституциявий мақом берилди. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 2024 йил 26 августда Ўзбекистон Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаолигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуларга мувофиқ, кейинги йилларда Қонунчилик палатаси фаолиятида жамоатчилик иштироки янада кучаймоқда. Давлатимиз раҳбари тақдирини асосида Қонунчилик палатасидаги ҳар бир қўмита хузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилишини парламентимиз тарихидаги янги савҳарга деб тушунаман. Бунинг бир қанча жиҳатлари мавжуд.

Биринчидан, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари иштироки кенгайтириш, жамоатчилик учун янада кенг йўл очилади.

Иккинчидан, қуйи палата билан ижтимоий шериклик янада мустаҳкамланади. Учунчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳужжатларида ифода этилиши кучаяди.

Энг муҳими, булар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этиши учун янги имкониятларини очиб беради.

Буларнинг барчаси ҳам ташқи мулоқот, ҳам мамлакатимиздаги ички мулоқот жараёнларида парламентимизнинг асосий демократик майдон вазифасини бажаришига хизмат қилади.

Янгиланган Конституциямизда 100 мингдан кам бўлмаган фуқаро ўз тақлифларини қуйи палатага киритиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди. Энди қуйи палатада бу борада янги тизим яратиладиган бўлди. Фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси хузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси ташкил этилади.

Қонунлар ижросини доимий баҳолаб бориш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Асосий мақсад — қабул қилинган қонун амалиётда ишлаши, одамлар ҳаётида сезилиши лозим. Бундан буён қонунлар ижроси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмитаси ва масъул ижро этувчи орган билан биргаликда ўрганиб борилади. Бунинг учун ҳукумат билан Қонунчилик палатаси ўртасида янада самарали ҳамкорлик олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, буларнинг барчаси пировардида даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунлар қабул қилинишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



ли ҳимоя қилишга қаратилган қонунни қабул қилиш тақдир қилинди.

Сайловолди учрашувларда, мулоқотлар ва муносабатларни ўрганиш жараёнларида айтиш шуниси масалалар бутун қанчалик долзарб эканига бевосита гувоҳ бўлди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида, туман-шаҳарларда янги уй-жойлар қурилишти, юртношларимиз, айниқса, янги ва ёш оилалар уларни яхши ниятлар билан харид қилди. Лекин ҳуқуқий асосларнинг тўлиқ амалиги айрим ҳолатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Оқибатда оилалар жабр кўрапти. Давлатимиз раҳбари айтиш шуниси масалани ҳал қилиш бўйича тақдир бергани халқимиз томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳозир рақамлаштириш ҳаётий фаолиятимизнинг асосий жиҳатларидан бирига айланиб улгурди. Сунъий интеллект ҳаётимизга кириб келмоқда. Унинг асосий мақсади инсоннинг қобилияти ва имкониятлари чегараларини кенгайтириш бўлиб, қамрови кундан кун кенгаймоқда. Демак, бу масала ҳам парламент эътибори марказига чиқиши, яъни сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келаётган муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим.

Қонун ижодкорлигини кучайтиришимиз зарур бўлган соҳа ва муносабатлар кўп. Масалан, мажбурий тиббий сугурта тизимини қонун билан мустаҳкамлаш, франчайзинг, капитал бозори, стартаплар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Биз нафақат муаммоларни ҳал этиш, балки замонавий соҳаларда имкониятларни кенгайтириш учун ҳам қонунчиликни такомиллаштиришимиз зарур.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда белги-ланган стратегик режаларнинг жадал ижросини таъминлаш, давлатимизнинг халқаро имижига ва

Долзарб мавзу

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЖАМИЯТГА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЗУЛМ, ЎЗ МАБЛАҒИНИ ИСРОФ ҚИЛИШДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС

Ҳаётимизда ўчмас из қолдираётган 2024 йил ҳам яқунланиб бормоқда. Поёнига етаётган йил бутун мамлакатимиз, барча соҳа ва тармоқлар учун хайрли келди. Ўзаро тотувлик, бирдамлик ва ҳамжихатликда олдимизга қўйилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, бурчимизни адо этишда муайян натижаларга эришдик. Халқимизни рози қилишга қаратилган кўплаб эзгу ишлар бажарилди.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси



Ўз навбатида, бу ишларнинг 2025 йилда ҳам бардавом бўлиши ҳар биримизга бевосита боғлиқ. Каттами-кичикми, ҳеч бир жараён, воқеа ёки ҳодиса эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур. Жамиятдаги ҳар қандай камчилик ёки нуқсон, атрофимизда рўй бераётган воқеалар, айниқса, одамларнинг қўндалик турмуши, ҳаёти, соғлиғи, хусусан, фарзандларимиз хавфсизлиги ва эмин-эркинлигига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракат ва уришилларга муносиб баҳо бериш, масъуллар ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш қўндалик ишмизнинг бир қисмига айланиши лозим.

Бинобарин, Янги йил байрами яқинлашаётган, шукўҳли кунлар эшик қоқиб турган ҳозирги паллада рўй бериши мумкин бўлган турли дилхирабларнинг олдини олиш ҳам устувор вазифамиздир. Байрам арафасида айрим “тадбиркор”лар, манфаатидан бошқа нарсани кўра олмайдиган қисмлар мўмай даромад олинишда ноқонуний ишларга қўл уришга интилади. Пиротехника воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар шулар жумласидан.

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН МАЗКУР ЙЎНАЛИШДА 2024 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 92 ТА ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНИБ, 1,1 МИЛЛИАРД СЎМЛИК (4,3 МИЛЛИОН ДОНА) ПИРОТЕХНИКАНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИГА ЧЕК ҚўЙИЛГАН. МАЗКУР ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА 7 ТА ЖИНОЯТ ИШИ ҚўЗГАТИЛГАН БЎЛСА, 62 ТА ҲОЛАТДА МАЪМУРИЙ ИШ ОЧИЛГАН.

Бундай ноҳўя ҳаракатлар халқимизнинг менталитетига ҳам, амалдаги қонунчиликка ҳам мутлоқо тўғри келмайди. Зеро, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жумладан, пиротехника буюмлари савдосининг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган тизимли ишлар бажарилмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахсларнинг соймулкни муҳофиза қилиш бўйича сайёҳаракатларни кучайтириш, шунингдек, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш чоғида мутаносибликнинг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ маъмурий жавобгарлик чоралари

875 минг сўм) йиғирма бараваригача (7 миллион 500 минг сўм) миқдорда жарима солинган.

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ юқоридаги ҳаракатлар анча миқдорда ёҳуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, айбдор Жиноят кодексининг 250¹-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилди.

Мамлакатимиз ҳудудига пиротехника воситаларининг ноқонуний кириб келиши, асосан, ноябрь-декабрь ойларида, яъни Янги йил байрами арафасида кескин орттичи ҳаммаимизга маълум. Жумладан, 2021–2024 йилларда юртимизга қиймати қарийб 3,1 миллиард сўмлик 5 миллионга яқин пиротехника буюмини

Барча ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жиноят иши қўзғатилган. Тўпланган 29 та ҳужжат чора кўриш учун воқеа етмаганлар комиссияларига юборилган ҳамда шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида масъул идораларга 221 та тақдирнома киритилган. Бундан ташқари, ресторон, кафе-бар, тўйхона, бозор ва бошқа идоралар раҳбарларидан пиротехника буюмларидан фойдаланмаслик юзасидан тилхат олинган.

Мусодара қилинган пиротехника буюмлари қарерда сақланиши ва қай тартибда йўқ қилиниши кенг жамоатчиликка маълум бўлмагани туфайли жорий йил 22 ноябрда Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги фавқулодда вазиятлар бўлимига тегишли ҳудудда Божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида чек миқёсдаги йўқ қилиш тадбири ўтказилган.

Тадбирда бир неча ҳолат бўйича олинган 4 миллиондан ортиқ пиротехника воситаси сунга бўктириш йўли билан махсус техникалар ёрдамида яроқсиз ҳолатга келтирилиб, қўйиб юборилган. Бугун ҳам бу борадаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

Пиротехника воситаларининг саломатлик ва ҳаёт учун хавфли жиҳатлари хусусида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кўплаб чиқишлар қилинаётганига қарамай, асосий хариidorи бўлган ўйинқароқ болалару ўсмирлар, ҳатто ёши катталар ҳам бу турдаги воситалардан фойдаланмоқда. Оқибатда воқеа етмаган болаларда юз, кўз, қўл қисмида оғир куйиш, кўз ши-кастланиши ва қисман ёки бутунлай кўролмай қолиш, энг ачинарлиси, ҳаётдан эрта кўз юмиш билан боғлиқ нохуш ҳолатлар учраб турибди.

Пиротехника воситаларидан фойдаланиш тинч аҳоли, қўни-қўшни, бешиқдаги гўдаклар, беморларга зулмдир. Моддий жиҳатдан қаралса, оила бюджетига зарар ва пулни исроф қилишдан бошқа нарса эмас. Шу боис, кенг жамоатчилик вакиллари, барча юртдошларимиз фарзандларини, ўқувчилар ва воқеа етмаган болаларни мактаб ва бог-чалар, кўча-кўйда етарлича назорат қилиш талаб этилади. Эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳеч биримизни бир лаҳза ҳам тарк этмаслиги зарур. Байрам байрамдек ўттиши ҳамда яқинларимизнинг хавфсизлиги, соғлиғига барчамиз бирдек масъуллигимизни унутмайлик.

кучайтирилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи, деб номланувчи 185¹-моддаси қисмларга ажратилиб, ҳар бир қилиш учун алоҳида санкциялар белгиланди.

Мазкур модданинг **биринчи қисми**да пиротехника буюмларидан қонунга хилоф равишда **фойдаланганлик** ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан (1 миллион 875 минг сўм) йиғирма бараваригача (7 миллион 500 минг сўм) миқдорда жарима солишга;

иккинчи қисмида уларни ноқонуний **ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик, олиб чиққанлик** ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан (5 миллион 625 минг сўм)

ноқонуний олиб кириш ҳолати аниқланган. Бундан ташқари, ушбу даврда ички ишлар органлари ўтказган тезкор профилактика тадбирлари давомида 50 миллионга яқин пиротехника буюми олиб қўйилган.

Божхона органлари томонидан мазкур йўналишда 2024 йилнинг ўтган даврида 92 та қонунбузлиш ҳолати аниқланиб, 1,1 миллиард сўмлик (4,3 миллион дон) пиротехниканинг ноқонуний айланмасига чек қўйилган. Мазкур ҳолатлар бўйича 7 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 62 та ҳолатда маъмурий иш очилган.

2024 йил 1 ноябрдан бошлаб юртимизнинг барча ҳудудларида пиротехника буюмлари ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тадбирга Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофиза

Инсон қадрини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз тафаккурида қулай ва замонавий яшаш шароити ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгармоқда. Энди қулайлик ҳақида гап борганда фақат шинам ва кўркам уй-жойлар, ҳудуднинг экологик мусавфоллигидан ташқари яшаш ва иш жойининг яқинлиги ҳам эътиборга олинадиган бўлди.



Президент ташрифидан сўнг

“ХУШНУД”НИНГ БУГУНИДАН РОЗИ, ЭРТАСИДАН МАМНУН ОДАМЛАРИ



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

— Бугун келишимиздан мақсад қабул қилаётган қарорларимиз натижасини, одамлар ҳаётини кўриш. Худди бу тумандагидай, ҳар бир ҳудудни ривожлантириш, одамларга қулайликларни ва иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қилияпмиз. Шу билан бирга, таълим-тарбияга, маданиятга катта эътибор қаратаймиз. Билим ва маънавият мустахкам бўлса, иқтисодиёт ҳам яхши ривожланади, — деди Президентимиз.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўриломоқда. Бу борадаги ишларни маҳаллаларга тушиб ташкил этишга қаратилаётган эътибор аҳоли орасига чуқур кириб бориш, муаммоларни тез аниқлаш ва самарали ечиш, халқимизнинг розилигини олишда муҳим омил бўлаётди. Маҳалла макомининг Конституция даражасида мустақамлангани бу ишларни янги босқичга кўтаришга замин яратди. Айни пайтда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида ушбу хайрли ишлар кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, айни йўналишда жорий йилда ишлар изчил давом эттирилиб, маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда “маҳалла еттилиги” билан банклар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бандлик дастурлари шакллантирилиб, барча маҳаллаларга банклардан масъуллар бириктирилди. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, 702 мингдан кўпроқ фуқаро бандлиги таъминланди. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 2 миллион 826 мингта хонадонда қўшимча даромад топиш имконияти яратилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини такомиллаштириш ва муносиб иш шароити яратиш ҳам доимий эътиборда. Ўтган даврда “маҳалла еттилиги”га қулай шарт-шароит яратиш мақсадида барча маҳаллаларнинг моддий-техник таъминоти хатловдан ўтказилди. 250 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қурилди, 400 та яқини жорий, юзга яқини капитал таъмирланди, 50 дан ортиги реконструкция қилинди. “Маҳалла бюджети” тизими йўлга қўйилгани ҳудудлар инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим бўлмоқда.

Хушнуд маҳалласида ҳам ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар бажарилаяпти. Маҳалла 2021 йили ташкил этилган. Бу ердagi 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та ҳовлида 11 мингдан зиёд одам яшайди. Болалар богчаси, спорт мактаби, оилавий поликлиника, хусусий клиника, ишлаб чиқариш корхоналари, дўкон ва маъийш қўлтириш кўрсатиш шохобчалари бор. Бу йил 49 та микролояҳа орқали 116 фуқаро бандлиги таъминланди.

— Аввал бу ерлар чекка, кўримсиз жойлар эди, — дейди “Хушнуд” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ориф Аликулов. — Сал шамол бўлса, чирқ ўчиб қоларди. Йўлимиз носоз, сув таъминоти, оқова хизматида доим муаммо бўларди. Шу боис, аҳолининг коммунал хизматлар сифатидан ҳеч кўнгли тўлмасди. 2018 йилдан бошлаб замонавий уйлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қурилди. Атроф ободонлаштирилди. Маҳалланинг уч қаватли биноси ҳам шу йил бунёд этилди.

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИГА ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Унинг биринчи қаватида маҳалла раиси ва ходимларнинг хоналари, кутубхона, жадидлар бурчгаи жойлашган. Юқори қаватларда аниқ фанлар ва хорижий тиллар бўйича ўқув маркази, фитнес зали фаолият юритмоқда. Ертўла қисмида ёшларни касбга йўналтирувчи мономарказ очилган.

Маҳалла ҳудудида 150 ўринли, замонавий шароитларга эга хусусий богча ҳам барпо этилди. У жорий йил фойдаланишга топширилган 16 қаватли уйнинг 1-2-қаватларида жойлашган. Муассаса хоналарини жиҳозлашда замонавийлик ва миллийлик уйғунлашувига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳаллада ёш болалари аёллар кўп. Улар учун шу ерга яқин жойларда тикувчилик, қандолатчилик бўйича иш ўринлари очилмоқда. Мазкур богча улар учун анча қулай бўлди. Оналар кўнгли хотиржам тортиб, иш билан банд бўлади, оиласига қўшимча даромад келтиради.

— Шу маҳаллага кўчиб келганимга 50 йилдан ошди, — дейди 76 ёшли Сабохон ая Орикова. — Бу жойлар илгари қамишзор, қаровсиз ҳудуд бўлиб, айнқс, йўлимиз жуда носоз эди. Уйдан резина этикда катта кўчагача чиқиб, пойабзалимизни алмаштирган вақтларимиз ҳам бўлган. Шу туфайли меҳмон қақаришгаям тортинардик. Ҳозирги ўзгаришларни кўриб, баъзида кўзимга ишонмай қоламан. Кўп қаватли замонавий уйлар, турли иншоотлар маҳалламизга чирой бахш этмоқда. Кўчалар раvon, метро яқин,

таълим олаётгани тўғрисида ўқиб жойдан, кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳақида маълумотнома олиш мумкин. Бу барча хизматларни маҳаллага тушириш борасидаги ишларнинг ўзига хос самарасидир.

ТАДБИРКОРЛАР МАҲАЛЛАСИ

Инсон қадрини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз тафаккурида қулай ва замонавий яшаш шароити ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгармоқда. Энди қулайлик ҳақида гап борганда фақат шинам ва кўркам уй-жойлар, ҳудуднинг экологик мусавфоллигидан ташқари яшаш ва иш жойининг яқинлиги ҳам эътиборга олинадиган бўлди. Шу маънода, маҳаллада кўп қаватли замонавий уйлар ва бошқа инфратузилма иншоотлари қатори 57 та тadbirkorлик субъекти фаолият юритаётгани аини мудоа.

Масалан, маҳаллада жойлашган, “Krember” бренди остида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонада 600 дан зиёд ишчи ишлайди. Қоп ишлаб чиқарадиган заводда 180 дан кўпроқ, картон заводиди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, айни йўналишда жорий йилда ишлар изчил давом эттирилиб, маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришда “маҳалла еттилиги” билан банклар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бандлик дастурлари шакллантирилиб, барча маҳаллаларга банклардан масъуллар бириктирилди. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ, 702 мингдан кўпроқ фуқаро бандлиги таъминланди. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 2 миллион 826 мингта хонадонда қўшимча даромад топиш имконияти яратилди.

берилди. Оилавий тadbirkorлик дастури доирасида тadbirkorлик қилиш истагидагиларга 162 миллион сўм ажратилди. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб янги иш ўринлари очилди. Кичик бизнесни ривожлантириш дастури доирасида фаолиятини кенгайтириш учун 5 тadbirkorлик имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари ҳисобига солиқ тушуми ҳам ошди.

иш топиш имкониятига эга бўлди. Хориждан яна 5 мигрант уйига қайтиш ниятида. Ҳоким ёрдамчиси уларни ҳам замонавий касб-хунарга ўқитиш орқали юқори маош тўланадиган ишларга жалб этишни режалаштирмоқда.

Маҳалладаги корхоналарда “устоз-шогирд” анъанаси асосида иш юритаётган тadbirkorлар бизнесини бошлаш ниятидаги ёшларни кўллаб-қувватлаяпти. Гулчехра Ҳотамова шундай ёшлардан. 10 йилдан бери тикув цехида ишчи бўлиб фаолият юритади. У ишлайдиган цехда эркаклар ва болалар учун



Ҳоким Йўлдошев олган суратлар.

автобуслар тиминсиз қатнаб турибди. Қишда иссиқ, ёзда салқинлигидан транспортлар йўловчилар билан доим тўла. Замонавий мактаб ва богчалар ҳам уйимизга яқин жойда қурилди. Бундай қулайликлар, аввало, фарзандларимизнинг ёруғ истикболи учун катта имконият. Буларни кўриб кўзимиз қувнонади, кўнглимиз ёришади, шундай ёруғ кўнларга етказганига минг бор шукр айтаман.

Маҳалла оқсоқолининг айтишича, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари айни пайтда ҳам давом этмоқда. Хусусан, 2025 йилда яна 29 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Бу аҳоли сони яна бир баробар ошишини аңлатади. Шунга муносиб ҳаёт кечирши учун шароитлар ҳам кенгайтирилиши лозим. Жумладан, маҳалла ҳудудида замонавий мактаб қуриш кўзда тутилган.

Ҳудуддаги ҳовлиларда яшайдиган аҳолида кўш энергияси асосида ишлайдиган қурилмалар ўрнатишга қизиқиш ошиб борапти. Ҳозир 15 та хонадон кўш батареяси ўрнатган. Улар эътиёжидан ортган энергияни давлатга сотиб, қўшимча даромад оляпти. Маҳалла фаоллари бу йўналишдаги тажрибани ўрганиб, унинг афзалликларини тарғиб қилаётгани аҳоли орасида табиий ресурсларни тежаш кайфиятини кучайтирапти.

Маҳалла биносида ўрнатилган инфокюск давлат хизматларидан фойдаланишда аҳолига яна бир қулайлик бўлди. Бу орқали 55 турдаги давлат хизматларидан электрон фойдаланиш мумкин. Мисол учун, маҳаллада туриб доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича,

70 дан ортқ ишчи бор. Қолаверса, қатор тикув цехлари, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида ҳам одамлар доимий иш билан банд. “Хушнуд” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Жамшид Қодировнинг айтишича, маҳаллада тadbirkorлик муҳитини янада ривожлантириш мақсадида шу йил 13 фуқарога субсидия асосида тикув машинаси, ноутбук олиб

Айни пайтда маҳаллада ишсиз ёшларни бозорда талаб юқори касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар қилинаяпти. Йил бошидан буён 21 фуқаро шундай ўқув курсларига жалб этилди. Чет элда миграцияда турган 13 нафар хориждан уйига қайтди. Улар чилангарлик, сантехниклик бўйича малака ошириб, юқори маошли

спорт кийими тайёрланади. Гулчехра орттирган тажрибаси ва малакасига таяниб, мустақил тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйиш ният қилган. Шу мақсадда маҳалладаги ҳоким ёрдамчидан кўмак сўради ва бизнес-режасини тақдим этди. Унга, аввало, жой масаласида кўмак керак. Ҳоким ёрдамчиси Гулчехранинг мурожаатини ўрганиб, фаолиятини йўлга қўйиш учун маслахат ва амалий кўмак бермоқда.

— Ҳозир 19 та тикув машинам бор. Бир неча шогирд ҳам тайёрладим, — дейди Гулчехра Ҳотамова. — Тикувчилик соҳасида дизайн ва янгича услублар яратиш бўйича билим ва кўнимкам етарли. Қолаверса, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, хорижга экспорт қилиш бўйича тажрибам бор. Бу йўналишда бир неча ҳамкорлар топиб қўйганман. Йўналишим бўйича йирик тadbirkorга айланиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўлишни мақсад қилганман.

Ёш тadbirkor кўзлаган режаларини рўёбга чиқариши учун давлатимиз томонидан зарур шароит яратилаяпти. Янгидан иш бошламоқчи бўлганларга қатор имтиёзлар берилаяпти. Имкониятлардан тўғри фойдаланиб, доимо олға интилган ва ҳалол меҳнат қилган ёшлар орасида бутун бизнесини бошлаб, катта ютуқларга эришаётганлар талайгина. Улар, аввало, оиласи, қолаверса, юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ИРОДАНИНГ ИБРАТЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Хушнуд маҳалласи марказида фаолият юритаётган яна бир кичик корхона “Менинг бахтим” масъулияти чекланган жамиятидир. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган йирик ҳажмли шахмат доналари иқтисодиётимизда янгича йўналиш. Ҳозиргача бундай турдаги маҳсулот хориждан импорт қилинар эди. У катта-катта сайилгоҳлар, спорт майдончалари, аҳоли гавжум жойларга қўйишга мўлжалланган. Қизиги, уни фақат томоша қилиш эмас, шахмат ишқибозлари ўйнаши ҳам мумкин.

Ҳар бир шахмат донаси оғирлиги 4 кило. Бу маҳсулот маҳаллий хошмёдан ишлаб чиқарилади. Ҳозир корхонада 8 киши иш билан банд. Маҳсулот талабгорлари эса борган сари кўпаймоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган шахмат доналари юртимиз ҳудудидаги сайилгоҳлар, таълим масканларининг спорт майдончаларида жойлаштирилмоқда. Аҳоли, айнқс, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга ошно этишда фойдаланиляпти.

МЧЖ раҳбари Ирода Аҳмедованинг айтишича, корхона очилганига ҳали кўп вақт бўлмаган. Аммо шу қисқа муддатда кичик корхона оёққа туриб, ишлаб чиқариш имконияти яхшилланмоқда. Бунда, албатта, “маҳалла еттилиги” ва туман ҳокимлигининг кўмаги катта бўлмоқда.

Корхона ишчилари асосан аёллар. Улар орасида ногиронлиги бор шахслар ҳам ишляпти. Иш излаб келадиган ҳар бир хотин-қизга аввал иш услуби ўргатилади. Жараён у қадар мураккаб эмас. Чунки шахмат доналари, асосан, пўкака ва елим ёрдамида ясалди. Кесил ва чамалаш кўнимкасига эга ҳар бир одам бу ишни бемалол уддалайди.

Ана шундай ўзига хос ишлаб чиқариш соҳасини танлаш, ўзлаштириш ва саноат миқёсида ишни йўлга қўйиш ҳам осон иш эмас. Асли касби психологик бўлган Ирода бу интилишини рўёбга чиқариш учун анча изланди, ўз устида ишлади, хориж тажрибасини ўрганди.

— Бу лойиҳани бошлаш жараёнида тadbirkorликдан кўра масаланинг маънавий томонига кўпроқ эътибор қаратган эдим, — дейди корхона раҳбари Ирода Аҳмедова. — Ҳозир ахборот технологиялари асри. Бу бир жиҳатдан инсониятнинг катта ютуғи бўлса, иккинчи томондан, салбий оқибатлари ҳам аллақачон юзага чиқа бошлади. Фарзандларимиз телефон, планшет, компьютерга богланиб қолаётгани бунинг исботи. Болаларни бундай муаммолардан асраб, замонавий билим ва касб-хунарларга йўналтиришнинг муҳим усулларидан бири — уларни мазмунли, фойдали машғулотларга жалб этиш.

Шахмат ўйини шундай восталардан. Қолаверса, болаларга кичик ёшидан замонавий ҳунарларни ўргатиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ушбу корхона ҳузурида фаолият юритаётган ўқув-услубий курсларда моҳир мутахассислар болаларга ана шундай билимларни ҳам улашмоқда. Бу ерда компьютер графикаси ва рангтаъсир, ҳайкалтарошлик тўғарилари ташкил этилган.

Ирода Аҳмедова мамлакатимизда маданий-маърифий муҳитни ривожлантириш бўйича ана кўплаб лойиҳалар устида ишламоқда. Улардан бири ҳозир юртимизнинг турли ҳудудларида кенг оммалашаётган, туну кун узлуксиз ишлайтган овқатланиш шохобчаларида спорт ва китобхоналикни тарғиб этиш, тановул қилиш асносида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратишга қаратилган.

Нуронийлар учун шахмат ўйнашга мўлжалланган лойиҳа ҳам диққатни тортади. Ихчам ва ҳар томонлама қулай бўлгани учун бу қурилмаларни фақат катта сайилгоҳлар ёки аҳоли гавжум жойларда эмас, балки маҳалла ҳудудидаги майдончаларда ўрнатиш ҳам мумкин. Куну тун ишлайдиган овқатланиш шохобчалари атрофида ҳам бундай лойиҳаларни жорий этиш имкони мавжуд.

Тadbirkorлик муҳити ривожланаётган, саноатлашиб бораётган маҳалланинг ҳар бир бурида ҳаёт қайнайди. Кечагина кредит олиб иш бошлаган тadbirkor дўконда савдо қилинган. Яқинда иш бошлаган ўқув марказидан ота-оналар ва ўқувчиларнинг қадами узилмайди. Тикув, ишлаб чиқариш цехларида машиналар ва дастохларнинг товуши тинмайди. Бу ўзгариш ҳамда янгиланишлар одамларнинг ҳаётига янгича мазмун, ишига унум, ҳамёнига даромад, рўзгорига барака киритмоқда.

Йил бошидан буён вилоятда 2 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилган. 565 минг аҳоли бандлиги таъминланиб, 90 минг одам камбағалликдан чиқарилган.



Бошланиши 1-бетда

Холва деган билан оғиз ширин бўлмас, олисда ҳеч ким шунчаки пул бериб қўймас экан. Бошида бир оз осондек туюлганди. Аммо у томонларнинг қаҳратон киши жон-жондан ўтиб кетаркан. Бунинг устига, ҳеч ким “Совуқ, уйда ўтир, ишлама”, демади. Энг ёмони, шунча меҳнат қилганига яраша маошнинг тайини йўқ. Озроқ бўлсада, ота-онасига пул жўнатай деса, ўзидан ортмайди.

Шунча меҳнатни ўз томоркамда қилганимда, ҳеч кимдан кам бўлмасим дея кўп ўйлади. Келганига уч йилга яқинлашибдики, ишида барака йўқ. Қишлоқдагилардан Ўзбекистонда ишсиз фуқароларга ўзини ўзи банд қилиши учун қўлайликлар яратилаётганини эшитгач, балки уйига қайтса, бирор касб-хунар билан машғул бўлишини ўйлаб қолди.

Хорижда ортиқ қолмаслигини англаган шахрисабзлик Азамат Раҳимов қишлоққа қайтди. Кўп вақт ўтмай, уни ҳоким ёрдамчиси йўқлаб келиб қолди. У билан узоқ суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганди. Томорқасидан фойдаланиш учун ердан беришини айтди. Бу таклиф маъқул келиб, ҳовлининг бир қисмида иссиқхона қуришни режа қилди. Аммо бунинг учун пул зарур. Бу ҳам муаммосиз ҳал бўлди. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан банкдан имтиёзли кредит ажратилди.

У дастлаб беш сотих жойга иссиқхона қуриб, қишқи мавсумда бодринг экди. Тажрибали деҳқонлар маслаҳати билан доимий равишда агротехник тадбирлар кўрди.

Дастлабки йилнинг ўзидаяқ иссиқхона-намиздан яхшигина даромад олдики, — дейди А.Раҳимов. — Излаган имкон топар, деганларидек, қишлоқда туриб ҳам яхшигина маблаг ишлаш мумкинлигини энди англади. Энг муҳими ердан қандай фойдаланишини билишда экан. Шундоққина олдимизда



Қашқадарёдаги 6 та йирик корхона бу хайрли ишга ҳисса қўшиб, кейинги йил 10 мингдан зиёд фуқарони камбағалликдан чиқариш, ташаббусини билдирган. Бундан ташқари, ҳудуддаги банклар иштирокида 86 та драйвер лойиҳани ва 33 мингта микролойиҳани ишга тушириб, яна 70 минг инсонни даромадли қилиш кўзда тутилган. Булар орқали вилоятда камбағаллик даражаси ҳозирги 8,6 фоиздан 6,5 фоизга пасаяди.

хазина бор экан-у, қайларда сарсон бўлиб юрибмиз! Ўтган беҳуда вақтимга ачинаман гоҳида. Уч йил ўзимча кўп пул топаман деб бекорга ҳалак бўлдим. Бугун барчаси яхши. Биринчи йилдаги фойдамиздан яна битта беш сотихли иссиқхона қурдик. Қиш фаслида пишишини мўлжал қилиб сабзавот, турли қўкатлар екамиз. Айни пайтда ҳосил етилиб, бозорга чиқаришни бошлаб юбордик. Даромад ёмон эмас. Баҳорнинг сўнгги кунларига

қадар савдомиз тўхтамайди. Бир мавсумда олаётган соф даромадим ўртача юз эллик миллион сўмдан ошиб қолади. Бундан ташқари, яна қишлоғимиздаги ишсиз беш нафар ёшнинг бандлигини таъминлаб, уларга ҳам ойлик бериб келаман. Яшаш тарзимиз анча яхшиланиб, фаровон турмуш кечирishни бошлаганимиздан хурсандман. Бу юртда ҳеч ким эътиборсиз қолмас экан. Она ватанимиздан айирмасин.

Шаҳрисабзнинг Паландара маҳалласи ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан Азамат Раҳимовнинг нафақат бандлиги таъминланди, балки унинг тадбиркор бўлишига имкон яратилиб, бир оила камбағалликдан чиқиб, фаровонлик сари қадам ташлади.

Ҳоким ёрдамчиси Санжар Шукуровнинг таъкидлашича, бугунги кунда хорижда ишлаб қайтган кўп сонли ёшлар билан алоҳида мулоқот қилиб, уларга имкониятлар берилиши ўз натижасини кўрсатмоқда. Бунинг эвазига ишсизлик камайиб, ташаббускор ёшлар сони ортмоқда. Энг муҳими, шу пайтгача бўш ётган томорқалардан унумли фойдаланиш жорий этилиши натижасида маҳаллада камбағаллик кескин камайиб бормоқда.


“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси таъминланаётгани натижасида нафақат Паландара маҳалласида, балки вилоят миқёсида камбағаллик қисқариб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, йил бошидан буён вилоятда 2 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилган. 565 минг аҳоли бандлиги таъминланиб, 90 минг одам камбағалликдан чиқарилган. Бу амалий самара келгуси йилда ҳам кенг миқёсда давом этиши учун ҳозирданоқ марра катта олинмоқда. Қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, 2025 йил якунига қадар юксак мақсадлар амалга ошиши режа қилинган.

Қашқадарёдаги 6 та йирик корхона бу хайрли ишга ҳисса қўшиб, кейинги йил 10 мингдан зиёд фуқарони камбағалликдан чиқариш ташаббусини билдирган. Бундан ташқари, ҳудуддаги банклар иштирокида 86 та драйвер лойиҳани ва 33 мингта микролойиҳани ишга тушириб, яна 70 минг инсонни даромадли қилиш кўзда тутилган. Булар орқали вилоятда камбағаллик даражаси ҳозирги 8,6 фоиздан 6,5 фоизга пасаяди.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АЗИМОБОД АҲОЛИСИНING ТУРМУШ ТАРЗИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРДИ?

Олтиариқ туманидаги “Азимобод” маҳалла фуқаролар йиғинида мезон ҳавосини шимиб, гарқ пишган кузги сабзи йиғим-терими авж паллага чиқди. Бу ерда ғалладан бўшаган аксарият экин майдонида тақрорий экин сифатида кузги сабзи етиштириш, сақлаш ва сотишда ўзига хос тажриба тўпланган. Бир кило сабзи улгуржи нархда 1500-2000 сўмдан сотилмоқда. Ўн сотих ердан ўртача 4 тонна ҳосил йиғилиши ҳисобга олинса, даромад чўғини чамалаш қийин эмас.



Маҳсулотнинг асосий қисми ички бозордан ташқари Қирғизистон, Қозоғистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётган бугунги кунда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ҳар қачонгидан муҳим.

Маҳалламизда бугдойдан бўшаган 600 гектар майдонда сабзи етиштирилади, — дейди МФЙ раиси Абдуғаффор Мираминов. — Сабзи кўл меҳнатини кам талаб қиладиган экинлардан. Агротехник тадбирларнинг асосий қисми техника ёрдамида бажарилади. Маҳсулот сифатини

яқин ҳосил етиштирдик. Бу ўрта ҳисобда 16 миллион сўм, дегани. Экинлар ўрнини пеш-пеш шудгорлаб, тўқсонбости усулида сабзавот эдик. Бу эрта қўқламда оиламизга қўшимча даромад олиб келади.

Бундай иш тажрибасини маҳалладаги ҳар бир хонадонда кузатиш мумкин. Бу ерликлар қиш мавсумида ҳам ҳаракатдан тўхтамайди. Экиндан бўшаган майдонлар, иссиқхоналарда тўқсонбости усулида сархил сабзавот, турли қўкатлар парваришланипти.

Йил бошида маҳалламиздаги аҳолининг камбағаллик ва ишсизлик даражаси 20 фоиз эди. Бугунга келиб, бу кўрсаткич 5 фоизга тушди, — дейди ҳоким ёрдамчиси Исломбек Мамайтхожиев. — Тадбиркорлик, томорқачилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини қамраб олган микролойиҳалар учун умумий қиймати 950 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Шу кунга қадар ишсиз, иктимойий ҳимояга муҳтож 60 та оила камбағалликдан чиқарилди. Уларни доимий даромадли қилиш ва камбағалликдан чиқариш мақсадида салохиятли тадбиркорлар, оилалар иш тажрибасини оммалаштириш, қизиқиш ва имкониятлари асосида кредит, субсидиялар ажратиш орқали бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, ер ажратиш чораси кўрилмоқда. Ҳудудда доривор ва экспортбоп каврак ўсимлигини етиштириш йўлга қўйилмоқда. Асосий мақсад — маҳалламизни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш.

Олти мингдан ортиқ одам яшаётган Азимобод аҳлининг ҳаёт тарзи ҳақида гап кетганда, яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш ўринли. Бу ерда аҳолининг шахсий ташаббуси, ҳамжиҳатлиги билан кенг қўламли



Маҳалладаги 900 га яқин хонадоннинг томорқа ҳўжалигида сабзи уруғи етиштириш тажрибаси оммалашган. Бир кило сара уруғ нархи 200-250 минг сўм. Бу ерда тайёрланган уруғ унвчанлиги, юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради.

Агротармоқ

Болалигимизда далада, ғўзалар орасида ногаҳон тарвуз ёки қовун палагини, мевасини кўриб қолсак, ноёб нарса топгандай суюниб кетардик. Палак ўсган жойга белги қўйиб, меваси пишишини кутардик. Ахир фақат ғўза ва бегона ўтлар ўсадиган эгатларда бундай неъматни учратиш ғаройиб туюларди-да. Бироқ ўтган йилги пахта теримида сўйиб ёйилган қовун ёки тарвузнинг уруғи шу ерга тушганини, кимдир бу ерга бир донagina уруғ экмаслигини билардик. Кўпинча миттигина ёнғоқ дарахтларига ҳам дуч келардик. Қарғалар қишга ғамлаш учун оғзида олиб кетаётган ёнғоқ меваси тушиб кетиб, ўсиб чиққанини айтарди катталар. Ниҳолни авайлаб кўчириб олиб, томоркамизга экардик.

Бугун эса пахта далаларида полиз экинлари, олма, олча, ёнғоқ каби мевали дарахтларини учратиш табиий ҳол. Улар далалар четини обод қилиш билан бирга қўшимча даромад ҳам келтиряпти. Президентимиз яқиндагина мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида бу масалада алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қорақалпоғистонда дала четидagi 2,1 минг, Фарғонада 1,2 минг, Самарқанда 826, Бухорода 784, Қашқадарёда 247 гектар ер ишлатилмаётгани айтилди.

Кимлардир гул тувадигани бир сиқим туپроқдан ҳосил олиб турганда, гектарлаб дала четлари ўт босиб ётса-я? Шунинг учун ҳам бу давлатимиз раҳбари назоратдаги масалага айланди. Президентимизнинг 2023 йил 12 апрелдаги “Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Андижон туманидаги “Патидинов сарвари” фермер ҳўжалиги даласининг икки километрча келадиган четига экилган “ҳўсайини”, “андижон қора” навли узумлардан бу йил 4 тонна ҳосил олинди. Бир тоннаси ишчиларга улашилди, 3 тоннаси кўтарасига 5-6 минг сўмдан бозорда сотилди.

— Жами 63 гектар еримиз бор. Узумдан ташқари икки йил аввал дала четидagi 1 километрдан ортиқроқ жойига тут кўчати ҳам эканмиз, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Улугбек Шермухаммедов. — Белгиланган режа бўйича пилаа етиштириб берялмиз. Бу йил ўзимиздан ортган барглاردан ён-атрофдаги фермерлар ҳам фойдаланди. 13 ишчимизга дала четларини 1-1,5 километрдан бўлиб берганимиз. Бунинг яхши томони — аввалгидай чиқинди уюмлари йўқ.

Мол-қўй кириб, пайҳон қилмайди. Ҳамма ўз ҳудудига ўзи жавобгар. Тут, терак экиб фойда кўришяпти. Уларга қўшимча даромад, дала майдонимизга эса ободлик кияпти. Шу кунларда 1,5 километр ариқни бетонляпмиз. Бу билан артезиан суви бесамар оқиб кетишининг олди олинади. Аввал 1-1,5 соат кутилидиган сув энди 5-10 минутда керакли ерга етиб боради. Яратганга шукр, меҳнатимиз билан эл назарига, катталар эътиборига тушялмиз. Узумчилик бўйича семинларга рейтингини ҳисоблашда қўшимча балл берилади. Ер солиқларимизни икки йилга бўлиб тўлашимиз мумкин. Аслида, дала четининг ўзи имконият, бу имтиёзлар имконимизни икки баробар оширади.

Ҳа, фермер айтганидек, буёғига дала четидан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад олаётганларга қатор енгилликлар берилади. Айниқса, “Оилавий тадбиркорлик” дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалаштирилган тартибда ажратилиши аини мудоао. Бу борада ҳеч қандай ўзлаштириш, таниш-билишчиликка йўл қўйилмаслиги қувонарли. Чунончи, дала чети ҳисоби, қандай маҳсулот етиштирилгани ва қанча ҳосил олингани электрон портал орқали назорат қилиб бориладиган бўлди.

Назорат тури қандай бўлмасин, шу тумандаги “Оқбой Асил” каби фермер ҳўжаликлари рейтингини албатта юқори бўлади. Боиси, бу ерда дала четлари азалдан бўш қолган эмас. Қовоқ, помидор, булғор қалампир каби экинлар екилади. Ўтган йили маҳаллий узум кўчатлари екилган. Кўчат экиш ишлари айни



пайтда ҳам давом этияпти. Ҳосилга кирган тутилар ипак қуртига озуқа бўлса, қаламча қилинганлар ҳам кўзга ташланиб қолган.

Манзарали павловния дарахтлари эса катта йўл бўйларига кўрк бериб турибди. Терак кўчатларининг-ку сон-саногини йўқ. Улар ҳам осмонга бўй чўзиб, Улуғнор канали қирғоқларини обод қилган. Ёнғоқлар ҳосилга кирган. Аввалига 40-50, еттинчи йилдан бошлаб 100-150 кило ҳосил берадиган бу дарахт кони фойда. Мақола аввалида айтганимиздек, қарғалар ташиб кетганида ҳам яхшигина даромад келтирадиган ёнғоққа ҳамиша эҳтиёж бор. Шунинг учун фермер ҳўжалигида ёнғоқ дарахтини янада кўпайтириш режалаштирилган.

— Томчилатиб сўғориш туфайли ҳовуз атрофларига ғилос, олча ва яна бошқа турдаги мевали дарахтлар ўтказялмиз. Тақрорий экинлар екамиз. Қарийб 20 йилдан буён иш-

лаётганимиз учун имкон қадар ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Техника етарли. Устахоналаримиз бор. 16 гектарга яқин еримизнинг юқори қисминини, дала четидagi ариқларни тўлиқ бетонлаштирдик, — дейди “Оқбой Асил” фермер ҳўжалиги раҳбари Садриддин Аҳмадалиев.

Мазкур фермер ҳўжалиги ишчиларга, айниқса, банд бўлмаган ёшларга беминнат кўмак бериб, халқнинг дуосини оляпти. Жами 73 гектар ерининг 8 гектари 15 сотихдан ишсиз ёшларга ажратилган. Агротехник тадбирлар фермер ҳўжалиги ҳисобидан бажариляпти. Деҳқончилик ортидан тўйлар қилиб, уй солаётганлар, машина минаятганлар, зиёратларга бориб келаётганларнинг ерга меҳри янада ортган.

Муножат РАҲИМЖОНОВА,
журналист

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод ҚОРАБОЕВ
олган суратлар.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика таълим маркази томонидан инклюзив таълим жорий этилган мактабларнинг раҳбар ходимлари, ўқитувчи ва психологлари учун 72 соатлик махсус малака ошириш курси йўлга қўйилган. Мазкур марказ томонидан йил давомида ўқитувчилар ва ота-оналар учун доимий семинар-тренинглар ташкил этиб борилади.



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бундай болалар ўз тенгқурлари қатори таълим олиши, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва муносиб ўрин топиши учун имконият яратиш инсонийликнинг энг олий қўриғи.

Инклюзив таълим ҳар жиҳатдан соғлом ва алоҳида таълимга эҳтиёжи бор болалар бир-галикда ўқиши, билим олиши мумкин бўлган таълим шаклидир. Болаларга нисбатан ҳар қандай камситишларга йўл қўймайдиган, тенг муносабатни таъминлайдиган бу тизим алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун мослаштирилгани уларнинг ўз тенгқурлари қатори ҳаёт кечириши, жамият ҳаётида фаол иштироккага замин тайёрлайди. Зеро, ижтимоий адолатли давлат қўриғини олдига мақсад қилиб қўйган ватанимизда ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча учун тенг имкониятлар яратиш кун тартибидagi масала бўлиб қолаверади.

Янги тахрирдаги Конституциямизда алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланган инклюзив таълим соҳасини ривожлантириш йўлида катта қадамлар қўйилишига асос бўлди. Бу билан таълим бўйича алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳуқуқи кафолатланди.

— 2024 йил январга қадар ана шундай болаларни давлат мактабига таълим ташкилотларига йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия ҳамда ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларга йўллаш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар фаолият юритган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Фарҳод Камиллов. — Уларнинг мақсади ва вазифалари бир хил бўлиб, амалда бир-бирининг фаолиятини тақроллаган. Шунингдек, комиссиялар фаолиятини ташкил этишда фуқаролар томонидан бюрократизм, сансоларлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга дуч келиш ҳолатлари мавжуд бўлган. Бу эса алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ота-оналари учун ортқича овозгарчиликларни келтириб чиқарган.

Шу билан бирга, ногиронлиқнинг оғир турига эга ва уйда ётиб қолган болалар жамиятдан ажралиб қолган, фақатгина ота-онаси ёки қонуний вакиллар қарамоғида қолиб кетган. Улар учун ҳеч қандай парваришлаш хизматлари кўрсатилмаган. Бу эса уларнинг ота-онаси ёки ўринни босувчи шахсларда жисмоний ва психологик жиҳатдан чарчашга олиб келган ҳамда меҳнат фаолияти билан шугулланиш имконияти паст бўлган.

2024 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил

Таълим одимлари “Тўсиқсиз муҳит”

этиш ва уларни реабилитация қилиш тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Қарор билан комиссия фаолиятини қайта қўриб чиқиш ва болаларнинг комиссияга муносабат этиш жараёнини рақамлаштириш орқали ота-оналар ёки уларнинг ўринни босувчи шахсларга қўлайликлар яратилди. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим-тарбия олишини такомиллаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида ягона психологик-тиббий-педагогик комис-



сиялар фаолияти йўлга қўйилди. 2024 йил 1 августдан комиссия томонидан ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг комиссия кўриги ўтказилишидан камида 3 кун олдин ота-она ёки қонуний вакилларга алоқа воситалари, шу жумладан, SMS хабарнома орқали болани кўриқдан ўтказиш санаси, вақти ва жойи кўрсатилган хабар юборилади. Бола кўриқдан ўтказилгандан кейин комиссия ҳулосасини ота-оналар электрон шаклда олади.

— Бугунги кунда узок муздлат давола-нишга муҳтож 13 минг 300 ўқувчи уйда якка тартибда, 20 минг 300 дан ортғи ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда, шунингдек, алоҳида таълим эҳтиёжи бор 23 мингга яқин ўқувчи умумтаълим мактабларида таълим олиб келмоқда, — дейди Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Рўзбек Тўраев. — Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, 2025 йил-нинг 1 январидан бошлаб умумий турдаги давлат мактабига таълим ташкилотларида ҳам инклюзив таълим гуруҳларини ташкил этиш, инклюзив таълим тизими учун ма-лакали педагог кадрларни тайёрлашга хо-рижий экспертларни жалб этиш, инклюзив таълимда ўқитиш усулларини такомиллаш-тириш каби мақсадлар белгиланган.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 298-умумтаълим мактаби ЮНИСЕФ ҳомий-лик маблаглари ҳисобидан қайта жиҳозла-ниб, мактабда ногиронлиги бўлган шахслар учун “тўсиқсиз муҳит” яратилди.



ЁХУД БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТ

— Фарзандим Аубакрга икки томон-лама сенсор карлик ташхиси қўйилган, — дейди Мунира Каримова. — Касаллик тўртинчи босқичда экани, эшитиши заифлиги туфайли ўғлим бошқа тенгқурлари қатори мактабга чиқа олмасди. Аммо 298-мактаб-да болаларнинг инклюзив таълим олишига шарт-шароит яратилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Дарҳол фарзандимни олиб келдим. Ҳозир ўғлим 1-синфда, соғлом тенгдошлари билан бирга билим оляпти. Ўқиш-ёзишни ўрганди, шеърлар ёдлапти. Ўқитувчисига яқиндан ёрдам беришга ҳаракат қиялпмиз. Дарсларни бирга тайёр-лаймиз. Қолаверса, синфдош дўстлари ҳар жиҳатдан кўмак берапти. Мактабдаги илқ муҳит, яхши муносабат боланинг табиа-тидаги ижобий ўзгаришларга ҳам туртки бермоқда.



Зухрабону Муроджоновна ўзи мустақил юра олмайди. Ота-онаси қизининг соғлом болалар ўқийдиган мактабда билим оли-шини жуда қаттиқ истарди. Уни илк бор 298-мактабга олиб келишганида қизча анча ётсиради. Тенгдошларининг олдида ўзини ноқулай ҳис қилиб, тортиниб юрди. Бола-лардаги самимият, бир-бирига ғамҳўрлик, меҳрибонлик Зухрабонудagi иккиланиш-ларга барҳам берди. У соғлом тенгдошлари билан бирга йўнайдиган, дарс қиладиган бўлди. Тиришқоқлик билан дарсларни ўз-лаштира бошлади.

— Қизим мактабга катта иштиёқ билан келади, бирор кун ҳам дарсларни қолдири-ши истамайди, — дейди Зухрабонунинг она-си Зилола Муҳаммедова. — Кайфияти жуда яхши. Уртоқлари билан бирга ўқиш, ёзишга ҳаракат қиладди. Китебдаги расмларни куза-

тади, ҳарфларни ва товусларни талаффуз қиладди. Берилган вазифаларни синфдошлари билан тенг бажаришга интилади.

— Синфда имконияти чекланган уч бола соғлом тенгдошлари билан бирга билим олади, — дейди 298-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муборак Азизова. — Бола-лар ўртада дўстона муносабатни ташкил қилганмиз. Улар бир-бирига меҳрибон, эъти-бор ва ёрдамини аямайди. Зухрабону тинч ва эҳтиёткор ўқувчи, дарсда кўпроқ тингловчи, зарурат туғилганида ўз фикрини билдиради. Ўзининг ва бошқаларнинг фикрларига ҳур-мат билан ёндашади. Муҳокама қилинадиган масалаларда ўйлаб туриб иштирок этишга ҳаракат қиладди.



“Инклюзив таълим” лойиҳаси доирасида инклюзив таълим жорий этилган мактабларнинг махсус педагоглари учун халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув-семинар ва тренинглар ташкил этилиши, шунингдек, инклюзив таълим мактабларини зарур жиҳоз-лар билан таъминлаш режалаштирилган.

Мактабда хавфсиз ва инклюзив таълим муҳити яратилган. Мақсад — жисмоний, интеллектуал, маданий, этник, тил ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, болаларни тў-лиқ ижтимоий ҳаётга қиритиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш.

Инклюзив таълимни жорий этиш бораси-да халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Япония, Финляндия каби ривож-ланган давлатлар билан ҳамкорлик қилин-моқда.

ЮНИСЕФ билан амалга ошириб кели-наётган лойиҳа доирасида мактаблар ва мак-табга таълим ташкилотларида ногиронлиги бор-йўқлигидан қатъи назар, барча ўқувчи-лар учун тўсиқсиз таълим муҳитини яратиш-га қаратилган ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Замонавий инклюзив таъ-лим ва тарбия моделлари — янги стандар-тлар, талаблар ва амалиётларни жорий этиш учун тажриба лойиҳаларини яратиш орқали инклюзив таълим сифатини юқори даражага кўтариш назарда тутилган.

Инклюзив таълим тизимини қўлаб-қув-ватлаш мақсадида бешта асосий йўналиш бел-гиланган. Булар: инклюзив мактаблар ва мактабга таълим моделларини яратиш, бола-лар учун тўсиқсиз ўқув муҳитини яратишда ёр-дамчи технологиялар ва ўқув материалларини тайёрлаш, инклюзив таълим иштирокчилари-нинг билим ва салоҳиятини ошириш, жамоат-чилик орасида кенг тарғибот қилиш.

Лойиҳа натижасида 2027 йил охирига келиб, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги мо-дель мактаб ва мактабга таълим ташкилот-лари инклюзив таълим бўйича илғор тажриба марказларига айланиши, бошқа мактаблар му-

тахассисларини ҳам ўқитиш ва йўналтиришда муҳим роль ўйнаши белгиланган.

“Zamin” халқаро хайрия фондининг “Эшитишни хоҳлайман” лойиҳаси доирасида эшитишда нуқсон бўлган болалар учун их-тисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 5206 ўқувчиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди ва 4130 нафари замона-вий эшитиш аппаратлари билан бепул таъ-минланди. 179 нафарида бепул кохлеар имп-лант операция ўтказилди. Натижада эшитиш қобилияти яхшилانган 250 дан ортқч бола инклюзив таълимга йўналтирилди.

“Инклюзив таълим” лойиҳаси доирасида инклюзив таълим жорий этилган мактаблар-нинг махсус педагоглари учун халқаро экс-пертларни жалб қилган ҳолда ўқув-семинар ва тренинглар ташкил этилиши, шунингдек, инклюзив таълим мактабларини зарур жиҳоз-лар билан таъминлаш режалаштирилган.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда “2021–2024 йил-ларда Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 24 ментор тайёрланиб, инклюзив таълим жи-орий этилган мактабларнинг бошланғич синф ва махсус педагоглари, психологлар-и, раҳбарларидан 285 нафари учун ўқув семинарлар ҳамда тренинглар ўтказилди. Ўзаро тажриба алмашш мақсадида ўзе-бекистонлик мутахассислар Японияда малака ошириб келди.

Нуқтаи назар



Азизбек ҲАСАНОВ, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқи юртимиз ривожланишининг истиқболли йўналишларини белгилаб беришда муҳим ўрин тутди. Унда таълим тизимини такомиллаштиришга оид кўтарилган масалалар ҳам ўз мазмунини ва моҳиятига кўра кенг қамровли ижтимоий-сўсий аҳамият касб этади.

ЁРУҒ КЕЛАЖАКНИ БИЛИМЛИ ВА САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР БАРПО ЭТАДИ

Бугунги глобаллашган дунёда ҳар бир жамиятнинг келажаги ёшларга, хусусан, болаларга боғлиқ. Мактабга таълим даври боланинг шахс сифатида шаклланиши ва интеллектуал ривожланиши учун муҳим босқич ҳисобланади. Президентимиз ўз нутқида мактабга таълим ташкилоти қамровини 80 фоизга етказишни ҳукумат учун устувор вазифа сифатида белгилაди. Бу кўрсаткични таъминлаш учун 2025 йилда 252 та янги мактабга таълим таш-килоти қурилиши ва 174 таси таъмирлани-ши режалаштирилган.

Янги мактабга таълим ташкилотлари барпо этилиши нафақат болаларнинг таъ-лими бўлган талабини қондиради, балки шу орқали ижтимоий фаровонлиқни янада оширишга эришилади. Айниқса, қишлоқ ҳудудларидаги мактабга таълим ташки-лоти ва мактаблар қамрови ошиши орқали шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий номуаносиблик тобора қисқариб бораёт-ганига барчамиз гувоҳимиз.

Келажақ авлодни етук қилиб тарбия-лашда мактаб таълимнинг ўрни бекиёс. Албатта, бу соҳада хусусий мактаблар қамрови кенгайиши эркин рақобат муҳи-

тини шакллантиради. Шу мақсадда дав-латимиз раҳбари тадбиркорларга мактаб қуриш учун 20 миллиард сўмгача имтиёз-ли кредит берилишини, бунда кредит став-касининг 13,5 фоиздан ошган қисми бюд-жетдан қопланишини билдирди.

Таълимга киритилаётган сармоя мам-лакатнинг ижтимоий барқарорлиги ва сиёсий тараққиёти учун пойдевор ярата-ди. Бу жаҳон тажрибасида ҳам аллақачон исботланган. Замонавий таълим тизими фақатгина билимли ёшларни эмас, балки маданиятли, ватанпарварлик ҳисси юқори, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўша-диган шахсларни тарбиялаши зарур. Зеро, бугунги дунёнинг талаби ҳам шу.

Айни ислохотларга барчамиз бирдек ҳисса қўшишимиз лозим. Айниқса, таъ-лим соҳаси ходимлари бу борада асосий драйвер ҳисобланади. Замон кун сайин янгиламоқда, демак, шунга мувофиқ ра-вишда мамлакатимизда устоз-мураббий-лар ҳам билимни, тажриба ва маҳоратини янгилаб бормоғи зарур. Бугун ўн йил ав-вали методлар асосида дарс ўтиш, таълим бериш ўзини оқламайди. Айни дамда жа-ҳондаги илғор таълим тизимлари жараён-

га сунъий интеллект имкониятларини кенг интеграция қилиш устида бош қотирмоқ-да. Шубҳасиз, кейинги ўн йилликда улар бу борада сезиларли натижаларни қайд эта бошлайди.

Ўзбекистон бу борада ортда қолмасли-ги лозим. Айниқса, сунъий интеллектни таълим жараёнига жорий қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда ўқитувчи-лар ва мураббийлар учун замонавий тех-нологияларни ўзлаштириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш устувор вазифа-лардан бири бўлиши керак. Бугунги кун-да ўқувчилар учун фанларни ёдлаш эмас, балки уларни ҳаётда қўллай олиш кўник-масини шакллантириш муҳим. Бунда ин-новацион методика ва янги технологиялар катта ёрдам беради.

Замонавий дунёда мамлакатнинг кучли ва заиф жиҳатлари ёшлар, уларнинг билим ва малакаси орқали намоён бўлади. Таъ-лим ислохотлари жараёнида ҳозирдаёқ келажақ авлод учун мустақкам пойдевор қўйсақ, келгуси ривожланишнинг муваф-фақиятини бўлиши янада кафолатланади. Зеро, ёрқин келажақни билимли ва сало-ҳиятли ёшлар барпо этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



УЛАР ЎЗ ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛДИ

Тошкентлик Жасур Жумаев Қонунчилик палатаси депутаты бўлди. Шаҳрисабзлик Лола опа Рўзиева эса буни эшитиб жуда қувонди. Ваҳоланки, янги депутат Лола опага таниш ёки қариндош эмас. Гап шундаки, Лола опа ҳам Жасур Жумаев каби жисмоний имконияти чекланганига қарамай, хунармандлик билан шуғулланади.

нима биландир банд бўлиши кераклигини ўйларди. Интернетдан турли тақинчоқлар, сумкалар ясашни, қуроқчилик сирларини ўрганди. Ёстиқлар, ғилофлар тикди, панио ва картиналар тайёрлади. Миллий қуроқларни тиклаш устида изланди. Ярим тунда ҳам хаёлига бирорта гоя келиб қолса, чирокни ёқди-ю, қоғозга ёзиб қўяверди. Тасаввурда жонланган, интернетда кўзи тушган янги гуллардан нусха олди. Эртасига эса бисотидаги бор матолардан қуроқ тика бошлади.

— Салгина қўллов бўлса, устакхона қилиб, шогирдларни кўпайтирдим. Чунки



уйдагилар бир ўзим катта буюртмаларни тикишимга кўнмайдми. Оиламизга, совға-салом учун бир нарсалар қилишимга эса йўқ дейишмайди. Негаки ўзим севган машгулот билан банд бўлсам, соғлигим яхшиланишини билишадми-да. Шунинг учун қуроқчиликка қизиққан аёллар, қизлар билан миллий қуроқчиликни яна қайта тиклашга ҳисса қўшим, ривожлантиргим келади. Дарвоқе, яқинда “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлдим. Кўрғазмаларга қатнашяпман. Қуроқчиликнинг янги усулларини ўрганишим учун Қирғизистонга юборамиз дейишганида, бошим

кўкка етди. Хунарнинг ортидан қаерга бориш керак бўлса, боравераман, — дейди Лолаҳон опа қулиб.

Опа ҳоқимликка бориб, “Менга иш беринглар”, деганида у ердагилар ҳайратини яширмайди. Тўрт мучаси соғ айримларга ўхшаб пул сўраб келмагани учун унга раҳмат айтганлар ҳам бўлди.

“Нима қилай, ўғлимга ёрдам бергим келди-да, бир ўзи ишласа, тагин кредит тўлайди”, дейди Лола опа. Ўғил эса “Хунарманд” уюшмасидан қаерга чакиршса, албатта, бориб, она, кўрғазмаларда қатнашиб, хурсанд бўлиб юринг. Нима керак бўлса, менга айтиб”, дейди. Чунончи, у ҳам энди онасининг шогирдларга иш ўргатиб, миллий хунарларимизни сақлаб қолшга ҳисса қўшишидан бахтиёр.

2023 йилнинг 25 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Маданият вазирлиги ҳузурида Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Республикамиз ҳудудларида мавжуд номоддий-маданий меросларни чуқур ўрганишга қиришган мазкур институт маданий меросимизни сақлаб келаятган хунармандлар билан баҳамжиҳат фаолият юритмоқда.

— Болаликдан бувимнинг бичиб-тикиш ишларини қизикши билан кузатардим, — дейди улардан бири жиззахлик Гулруҳ Ёдгоров. — Айниқса, қўл меҳнатини яхши



Хунармандлик
Хунарманднинг айтишича, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида тайёрланаётган қўл меҳнати намуналари 20 та давлатга экспорт қилинган. АКШ, Германия, Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан буюртмалар кўплиги қувонарни.

Буни қарангки, қуроқ буюмларимизга чет давлатларда ҳам қизиқиш катта экан. Хунарманднинг айтишича, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида тайёрланаётган қўл меҳнати намуналари 20 та давлатга экспорт қилинган. АКШ, Германия, Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан буюртмалар кўплиги қувонарни. Хунарманд шу қунарларда Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларидоги мижозларнинг катта ҳажмдаги буюртмалари тайёрланаётганини айтди.

Буюк алломаларимиздан бири “Одамларнинг энг бахтлиси унинг қарамоғидаги одамлари бахтли бўлганларидир”, деган эди. Гулруҳ Ёдгорова қабилар ҳам шу маънода бахтли. Зотан, унинг олдига мактаб ёшидаги қизлардан тортиб, ўрта ёшли аёллару қайвони онахонлар хунар ўрганиш учун келяпти. У билан ишлаётганларнинг эса рўзгорига барака қиярпти. Масалан, сурхондарёлик талаба Муҳайё Улашова моҳир тикувчи. У тиккан қуроқларни кўрганлар: “Бизни ҳам навбатга ёзиб қўйинг”, дейди. Шунга яраша даромади ҳам бор. Бир келиннинг сепи учун камида 800-900 минг сўмлик буюртма тикилади. Талаба учун бу яхшигина маблаг.

— Пандемияда каштачилик ва қуроқчиликни ўрганиб олдим. Энди бу ишим қўла келяпти. Ўшанда “Хунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда маҳаллада ўқув курслари ташкил қилинган эди. Қўнт билан ўрганишга ҳаракат қилдим. Асосан, қорақалпоқ миллий қуроқларини тикаман. Осон эмас, айниқса, шакл чиқариб, қирқиб олиш кўп вақт талаб қилади. Тайёр бўлган эса қўл меҳнатимга қараб чарчоқларим чиқиб кетади, — дейди Муҳайё.

Талаба қиз тиккан қуроқ кўрпачаларни кўриб, рости, бизнинг ҳам чарчоғимиз чиққандай бўлди. Айниқса, шахмат тахтасини эслатадиган нақшлар эстиқ ва кўрпачаларда жуда жозибдор кўринар экан.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

УНУТИЛАЁТГАН ҚАДРИЯТ

Эртаси куни қиз йигитга кўнглидаги кўринмас туйғуларини го айллаган рўмолчасини совға қилди. Бу рўмолча икки ёшнинг тақдирини узилмас занжирдек бир умрга боглаганди...

— Мана шу воқеага ҳам бу йил роса элик йил бўлибди, — деди отахон ўсиқ қошлари остидан қараб. — Ўшанда аёлим берган рўмолчадаги бежирим нақшларда сабрни, меҳрини, дид ва фаросатни ҳис қилгандим. Сегизим алдамаганди. Икки ўғил, тўрт қизни улғайтириб, элга қўшадик. Улар ҳам ўқимишли, оиласига садоқатли. Аёлим ўша рўмолчага битган меҳрини мендан ҳеч қачон дариг тутмади. Фаҳму фаросати билан ота-онам, ақинларим кўнглидан жой олди. Олий маълумотли бўлиб, мактабда ҳам ўринни топди. Ҳаёт қийинчиликларини сабр билан енгди. Ҳозир мен етмиш беш, аёлим етмиш ёшни ортада қолдирдик. Ишонасизми, тақдиримизни узилмас риштадек боглаган ўша рўмолчани ҳозиргача сақлабман. Рўмолча ҳикоясини фарзандларим, набираларимга ҳам сўзлаб бергандим. “Бунақа рўмолча тўқийдиган қизлар ҳозир йўқ-да, бобо”, дейди улар. Мана шу жойда тилим лол бўлиб қолади. Ахир унаштириладиган йигитга қиз қўли билан тўқиган, тиккан рўмолча, қийиқ совға қилинмас-миди? Улар шунчаки буюм эмас. Бунга ўз ҳаётидагина синаганим учун айтилган. Афсус, бугун қизларнинг ички оламини намоен этидиган бундай буюмлар тўқши анъанаси унутиб юборилди. Бу энг гўзал қадриятимизга айланган одат эди. Назаримда, ҳозирги қизларнинг бундай ишларга тоқати ҳам, иштиёқи ҳам йўқ.

Отанинг қўйинганича бор. Шу ўринда ўша йигитнинг синчковлиги, дидига ҳам тасанно айтиш керак. У қизнинг чиройи, отасининг бойлигига учмади. Диди, меҳри, сабрини синади. Мана, кексайиб, умр дафтарини варақлаб, кутгандиган ҳам зиёда мазмун топа олмапти. Энг асосийси, бу қадрият, бу анъана фарзандларига ҳам давом этмоқда.

Ушбу ҳикоя чуқур мулоҳазага чорлайди. Нима учун бугун оилалар ўта мўрт, ҳатто фарзандлари бўла туриб ҳам арзиманга баҳо-на билан турмуш риштаси узилиб кетяпти? Ваҳоланки, оилалар мустаҳкамлиги билан

шуғулланувчи идоралар, давлат ва жамоат институтлари фаолият юратяпти, улар олдига қўйилаётган талаблар ҳам салмоқли. Ахир оила жамятнинг асоси-ку. Шу қўрғонда тинчи, ҳаловати борнинг ишида унуми, ҳаётида мазмун бўлади-да. Назаримда, фарзандларимизга жуфт танлашда эътибор қаратаётган мезонларимиз қадриятларимиз чегарасидан чиқиб кетди. Синоваримиз ҳам ўта юзакли бўлиб қолмоқда. Тўғри, тараққиёт тақозоси тўғрйли жуфтга атаб рўмолча тўқийдиган, қийиқ тикадиган қизлар топилмас, йигитларни жамоат ичиди, маърақа-маросимларда синаб кўришнинг иложи йўқдир, эҳтимол. Аммо йигит-қизларни бир-икки марталик учрашув орқали эмас, муомала маданияти, китобхонлиги, билим даражаси, пазандалиги, рўзгор илмини қап даражада ўргана олгани, оилапарварлиги ва ҳоказо йўллар билан синаш мумкин-ку! Бугун оила кураётганлар ҳам, уларнинг бошини бирлаштирадиган катталар ҳам керагича ўрганилмаяпти. Қўда-андаликнинг энг муҳим тош-тарозиси ҳамон олди-беридидаги сийлову тўйлардаги дабада бўлиб қолмоқда.

Бир оилани биламан. Эри вафотидан кейин аёл измидан чиқмайдиган ёлғиз ўғлини “униси бўлмаса, буниси” қабилда икки эмас, уч эмас, роса олти марта уйлантирди. Оиланинг бойлигига, йигитнинг кўринишига учганлар суриштириб ўтирмай, қўда тутинаверди. Бир-икки йил ўтиб, қиз қайтиб келаверди. Ўз фикрига эга бўлмаган йигитнинг ҳозир беш хотиндан олти фарзанди бор.

Яқинда шу аёлни учратиб қолдим, рангидаранг йўқ. — Охирига пайта йилгоқи бўлиб қолдим, — деди у саломатлигидан шикоят қилиб, кўзига ёш оларкан. — Қон босимим тез-тез кўтарилиб кетяпти...

Қарашидан босиб ўтган ҳаёт йўлидан, ёлғизгинасининг турмушига ноўрин даҳл қилганидан афсус-надомат сезилиб турибди. Афтидан, “Мендан кейин ўғлимнинг турмуши нима бўларкан, меҳр бера олмаган фарзандларининг қай бири унга асқотаркан?” деган ўй унинг ич-этнини кемирапти.

Мана ҳулоаса чиқариш учун икки тақдир. Инсон дунёга бир марта келади. Яратганининг иродаси, давлатимиз қонуни билан барпо бўлаётган, инсон аталмиш буюк мўъжиза дунёга келаятган оиладек муқаддас кўрғонга беписанд ёндашув ортидан ҳеч ким у дунёга гуноҳи азмини ортомқлаб кетмасин. Ахир ажраллиқлар ортидан қанча-қанча гўдақлар асосан ота, жуда кам ҳолатларда она меҳридан бенасиб қолмоқда. Ҳар қанча бойлик ёки арзиман алиммент уларнинг қалбидида бўшлиқни тўлдиролмайди.

Ҳар бир оиланинг келажиги унинг мустаҳкамлигида, қалқонга айлганда, унинг-ўсишида, туپ қўйиб, палак ёзишида. Бу, албатта, келин олиб, қиз узатишга азалий эъзолазанаётган қадриятлар ва одақларнинг асосида ёндашишни тақозо этади.

ҲАДИЧАХОН КАРИМОВА, журналист

ҲАДИЧАХОН КАРИМОВА, журналист

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 4404

39932 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Тўғулло Сувонов

Мусахҳис: Аслиддин Абдуразаков

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА ақуни — 21:00

Тошхирлиди — 23:30